



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

4 ЖИЛД, 5 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 4, НОМЕР 5

LOOK TO THE PAST

VOLUME 4, ISSUE 5



ТОШКЕНТ-2021

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Зияева Доно Ҳамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Аширов Адҳам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори, Телави
давлат университети, Грузия

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Гоффоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулшвили
профессор, Телави давлат
университети, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Доғистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одижоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

1. Яраш Гаффоров ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АХБОРОТ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА ИННОВАЦИЯЛАР.....	4
2. Жуммагул Абдурахмонова, Улуғбек Исмоилов ЎЗБЕКИСТОНДА ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ.....	11
3. Жавлонбек Бегалиев ЎЗБЕКИСТОНДА МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ТАРИХИ (1940-1950 йиллар).....	18
4. Ҳамза Жўраев БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИДА СОВЕТЛАРНИНГ МАДАНИЙ ИНҚИЛОБ СИЁСАТИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ.....	24
5. Jahongir Inoyatov JAHON FOTOSURAT TARIXINI O'RGANISHGA DOIR ILMIY YONDASHUVLAR EVOLYUTSIYASI.....	31
6. Жамшид Кўчаров АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА БУХОРОНИНГ ИЧКИ ВА ТАШҚИ САВДОДА ТУТГАН ЎРНИ.....	37
7. Айгуль Раимова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАН КЕЙИН ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ ВА ФАН.....	45
8. Шохсанам Сулаймонова ШАРОФ РАШИДОВ СИЁСИЙ ПОРТРЕТИГА ЧИЗГИЛАР.....	51
9. Солежон Тошев ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИ ТУРКИЯДА ЎРГАНИЛИШИ.....	57
10. Фарход Усманов XX АСР 20-30 ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР ҚАРОВСИЗЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ИЧКИ ИШЛАР МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ.....	63
11. Шухрат Қудратов XIX АСР ОХИРИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДАГИ БОЗОРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	72
12. Сулаймон Ҳайдаров ЎҚУВЧИЛАРДА ТАРИХИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ.....	78

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Солежон Тошев,
Тошкент вилояти Чирчик
давлат педагогика институти
Тарих кафедраси ўқитувчиси
solihahmad.toj@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЯНГИ ТАРИХИНИ ТУРКИЯДА ЎРГАНИЛИШИ

For citation: Solejon Toshev. STUDY OF THE LATEST HISTORY OF UZBEKISTAN IN TURKEY. Look to the past. 2021, vol. 4, issue 5, pp.57-62

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2021-5-9>

АННОТАЦИЯ

Мустакиллик йилларида тарихга жаҳон миқёсида, глобал ёндашув, фикрлар хилма хиллигига имкон бериш, ҳолисликка амал қилиш шароитида хорижий тарихшуносликка кизиқиш кескин ортиди. Ўзбекистоннинг энг янги тарихини хорижий тарихшунослик асосида ўрганиш тарихий жараёнларга ҳолисона баҳо бериш имконини беради. Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг мустакил йиллардаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, маданият ва маърифат соҳасидаги ютуқлар, ички ва ташқи сиёсий жараёнлар Туркиядаги тадқиқотлар, тадқиқот марказлари маълумотлари, даврий матбуот материаллари асосида қиёсий таҳлил этилган ва мавзуга керакли илмий хулосалар тақдим этилган.

Калит сўзлар: Ўзбекистоннинг энг янги тарихи, хорижий тарихшунослик, Туркия, Марказий Осиё республикалари, ТИКА, Турк маданияти ва санъати қўшма идораси (TÜRKSOY), “Турк Дунёси Тадқиқотлар Бўлими”, Отатурк номидаги маданият маркази

Солежон Тошев,
Преподаватель кафедры истории
Чирчикского государственного педагогического
института Ташкентской области
solihahmad.toj@mail.ru

ИЗУЧЕНИЕ НОВЕЙШАЯ ИСТОРИЯ УЗБЕКИСТАНА В ТУРЦИИ

АННОТАЦИЯ

В годы независимости резко вырос интерес зарубежной историографии в условиях соблюдения объективности, разрешение к множеству мнений глобальное отношение на мировом уровне. Изучение новейшей истории Узбекистана на основе зарубежной историографии предоставляет возможность объективно оценить исторические процессы. В этой статье социально-политические процессы, достижения в сфере культуры и образования внутренние внешние политические процессы Узбекистана в годы независимости.

Сравнительно проанализированы и предоставлены нужные по теме научные выводы на основе информации исследований, материалов периодической печати в Турции.

Ключевые слова: Новейшая история Узбекистана, Зарубежная историография, Турция, республики Центральной Азии, ТИКА, Объединенный офис турецкой культуры и искусства (ТЮРКСОЙ), «Отдел исследования тюркского мира», Культурный центр Ататюрка.

Solejon Toshev,

Lecturer of the Department of History
of the Chirchik State Pedagogical
Institute of the Tashkent region
solihahmad.toj@mail.ru

STUDY OF THE LATEST HISTORY OF UZBEKISTAN IN TURKEY

ABSTRACT

During the years of independence, the interest in foreign historiography has sharply increased in the context of a global approach to history, the possibility of diversity of opinion, the observance of objectivity. The study of the recent history of Uzbekistan on the basis of foreign historiography allows an objective assessment of historical processes. This article provides a comparative analysis of the socio-political processes of Uzbekistan in the years of independence, achievements in the field of culture and enlightenment, domestic and foreign policy processes in Turkey, research centers, periodicals and provides the necessary scientific conclusions.

Index Terms: Recent History of Uzbekistan, Foreign Historiography, Turkey, Central Asian Republics, ТИКА, Joint Office of Turkish Culture and Arts (TURKSOY), “Turkic World Research Department”, Ataturk Cultural Center

1. Долзарблиги:

Ўзбекистонда мустақиллик шароитидаги катта ўзгаришлар тарих фанини ҳам четлаб ўтмади. Тарихга жаҳон миқёсида, глобал ёндашув, фикрлар хилма хиллигига имкон бериш, холисликка амал қилиш шароитида хорижий тарихшуносликка қизиқиш кескин ортди. Жаҳоннинг турли тилларида, масалан, инглиз, француз, немис, турк тилларида яратилган ўнлаб тадқиқотларда Ўзбекистон тарихига оид муҳим маълумотлар ва қизиқарли қарашлар, хилма-хил хулосалар борлиги маълум бўлди. Улар турли тилларда эканлиги, Ўзбекистон тарихининг турли даврларидаги масалаларга оидлиги тадқиқотларни муаммовий асосда ва айрим тиллар доирасида ўрганиш заруриятини вужудга келтиради[1]. Бу айниқса Ўзбекистоннинг энг янги тарихига оид тадқиқотларда янада кўпроқ аҳамият касб этади. Хусусан, Туркияда сўнги ўттиз йил давомида Ўзбекистоннинг мустақиллик йўли, тараққиёт хусусиятлари ва муаммоларига оид миллий тарихшунослигимиздаги асарлардан фарқланувчи бир қатор илмий асарлар ва таҳлилий материаллар тайёрланди.

Мустақиллик даврига келибгина хорижий тарихшунослик илк бор илмий мақсадларда мафкуравий чеклашлардан холи тарзда ўрганила бошланди. Шундан келиб чиқиб хорижда, хусусан Туркияда Ватанимиз тарихига оид илмий тадқиқот ишлари ва илмий адабиётларни тизимли ўрганиш, улардаги илмий қараш ва мулоҳазаларни таҳлил этиш тарихий жараёнларга холис хулосаларни берибгина қолмасдан, Ўзбекистон халқларининг мустақил тузум давридаги мураккаб ижтимоий сиёсий ҳаёти, маданий, маърифий тараққиёт хусусиятлари, мустақиллик учун бўлган курашлар тарихига Туркиядаги илмий муносабат ҳақида тасаввур ҳосил қилиши билан аҳамиятлидир.

Ғарбда Германия, Франция, Англия, Россия Федерацияси, Америка Қўшма Штатларида, Шарқ давлатларидан Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Туркия каби давлатларда Ўзбекистоннинг энг янги тарихи билан махсус шугулланувчи илмий марказлар вужудга келди. Бу марказларда Ўзбекистон энг янги тарихини миллий тарихшунослигимизда ўрганилмаган

ёки кам ўрганилган масалалари тадқиқ қилинмоқда, бу даврга янги нуқтаи назар ва талқин билан ёндашилмоқда.

2.Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Ўзбекистоннинг мустақиллик даври тарихини ўрганишда Туркияда Ўзбекистоннинг мустақиллик йиллардаги ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий тарихига оид амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари: диссиртациялар, илмий асарлар, илмий мақолалар ва ушбу тадқиқотларга хомийлик қилган ташкилотлар, тадқиқот маркази, илмий текшириш институтларининг фаолият натижалари муҳим аҳамият касб этади.

1990 йиллар бошларида дунё сиёсий харитасидаги ўзгаришлар, янгидан тузилган таянч ҳудудлар ичида Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон муҳим стратегик аҳамиятга эгадир. Туркиянинг минтақадаги давлатлар билан тарихий ва маъданий муштараклиги бу ҳудудни ўрганишга, иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорлик фаолиятини амалга оширишга ва бу мақсад сари илмий ва сиёсий фаолиятига асос бўлган ва бўлмоқда.

Совет Иттифоқининг тарқалиши ва Ўрта Осиёда мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши Туркияда бу давлатлар, жумладан минтақада кулай геосиёсий қўними, шунингдек ўзига хос маданият ва давлатчилик тарихига эга бўлган Ўзбекистон тарихига оид қизиқишни ошишига ва илмий тадқиқотларнинг ортишига сабаб бўлди.

Турк тарихчиси Ефе Чаман ўзининг “Кавказ ва Марказий Осиёда Туркиянинг янги минтақавий сиёсати” (*Kafkasya ve Orta Asya’da Türkiye’nin Yeni Bölgesel Politikası*) номли асарида таъкидлаганидек: “Иккинчи Жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган халқаро сиёсий бўлинишда Туркиянинг зиммасидаги роли ва СССРнинг икки қутбли тизимдаги позицияси Туркия ва "Марказий Осиё" ўртасида кучли сиёсий, маданий ва иқтисодий муносабатлар ўрнатишга изн бермади” [2].

Совуқ урушни тугаши билан Туркиянинг Ўрта Осиё давлатлари билан кенг миқёсдаги халқаро алоқаларга киришуви тасодиф эмас. Туркларнинг Ўрта Осиё давлатлари билан тарих, маданият, тил, дин ва кадрятлар борасидаги яқинлиги инкор этилмас ҳақиқатдир. Бу яқинлик мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг пойдевори ҳисобланади. Бугунги глобаллашув даврида давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ва интеграциялашув тараққиётнинг воз кечилмас муҳим омили ҳисобланади. Бирок, шуни ҳам унутмаслик лозимки, мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик мафаатлар устида курилади. Ҳар бир дўстлик қўлини чўзган давлат биринчи ўринда ўз манфаатини кўзлаши инкор этилмас ҳақиқатдир.

3. Тадқиқот натижалари:

Туркияда Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихига доир кўплаб тадқиқотлар асосан Совет иттифоқининг парчаланиши ва мамлакатларнинг мустақилликга эришгандан сўнг амалга оширилган бўлсада, илмий тадқиқот ишлари нафақат мустақилликдан кейинги давр тарихи, балки Ўрта Осиё тарихининг барча даврлари, жумладан Совет мустамлакачилиги даври тарихи ҳам ўрганилган.

Яна бир турк тарихчиси Фират Пурташнинг фикрига кўра Ўрта Осиё Совет иттифоқининг парчаланишидан сўнг пайдо бўлган геосиёсий ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бирок, Фират Пурташ ҳудуднинг аниқ бир чегараси маълум эмаслигини, Санкт Петербургдаги Шарқшунослик Институтида тайёрланган қомусий изохли лугатга асосан шундай кўрсатади: “Ўрта Осиё, Ҳазар қиргоқларидан Манжуриягача чўзилган ерлар ҳисобланади”[3].

Марказий Осиё мамлакатлари "90-йилларда бирин-кетин ўзларининг мустақиллигини эълон қилганлари (Туркияда) катта мамнуният билан кутиб олинди. Ҳам давлат даражасида ҳам, турк жамиятида қаршиланган бу қувонч ва мамнуният Туркия ва Ўрта Осиё муносабатларига қараб умумий тарихий алоқаларимизни таъкидлайдиган "романтикани" келтириб чиқариши табиийдир [4].

Туркияда Ўрта Осиё давлатларининг тарихи ва ижтимоий, сиёсий жараёнларни ўрганган ва шу йўналишда фаолият олиб борган ташкилотларни қўйдагича таснифлашимиз мумкин.

1. Давлат ташкилотлари

2. Университетлар қошидаги илмий муассасалар
3. Стратегик тадқиқот марказлари
4. Илмий журнал ва вақф ташкилотлари

Туркияда Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар билан иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларни қуриш ва бу алоқаларни яхшилаш учун ташкил этилган энг аҳамиятли ташкилотлар ТiКА, ТЎРКСОЙ, ЕСО Турк-Па каби расмий муассасалар ҳисобланади. Туркияда 1991 йилгача бўлган даврда “Туркий ўчоқлар” (Türk Ocakları), “Турк дунёси тадқиқотлар вақфи” (Türk Dünyası Araştırmaları Vakfı), “Туркия миллий маданият вақфи” (Türkiye Milli Kültür Vakfı), “Турк маданияти тадқиқот маркази”(Türk Kültürünü Araştırma Enstitüsü) каби кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлари туркий халқлар маданияти ва тарихини ўрганган ва илмий тадқиқот фаолиятини олиб борган. Бундан ташқари Советларнинг атеистик мафкураси таъсирида қолган ёшларга исломни ўргатишни мақсад қилган бирқанча ижтимоий ҳаракат ва бирлашмалар ҳам фаолият олиб борган. Булар орасида Туркия диёнат вақфи (Türkiye Diyanet Vakfı), Исломий билимлар тадқиқот маркази (Islami Ilimler Araştırma Vakfı), Ҳазрат Акшамиддин вақфи (Hz Akşemseddin Vakfı, İlim Yauma Vakfı), Ҳақ йўли вақфи (Hakyol Vakfı)ларни мисол келтиришимиз мумкин[5].

Туркияда Ўрта осие давлатлари билан сиёсий. иқтисодий ва маъданий алоқалар ўрнатиш ва бу алоқаларни кенгайтириш мақсадида ташкил этилган кўзга кўринарли расмий ташкилотлар ТiКА, ТЎРКСОЙ, ЕСО, Турк-Па ҳисобланади. Ўрта Осиё Республикалари ўз сиёсий мустақилликларига эришганларидан сўнг бу давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва худуддаги давлатлар ва халқларнинг ижтимоий сиёсий ҳаёти, маданияти, тарихи, ривожланиш хусусиятларини ўрганган энг илгор ташкилотлардан бири шубҳасиз **ТiКА (Türk İşbirliği ve Kalkınma Ajansı)** ташкилоти ҳисобланади. 1992 йил январ ойида ташкил этилган ҳозирда 20 давлатда расмий идораси эга бўлган мазкур агентлик туркий халқлар, жумладан Ўрта Осиё халқлари тарихи ва маданиятини тадқиқ ва тарғиб этиш йўлида самарали фаолият олиб бормоқда[6].

Турк маданияти ва санъати қўшма идораси (TÜRKSÖY) ташкилоти турк маданияти ва санъати санъатнинг ривожланиши, Туркия ва турк дунёси тарихи, санъати ва маданиятини ўргатиш, тарқатиш, тарғиб қилиш бошқа туркий республикалар ўртасида маданий алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида 1993 йил июл ойида Олмаотада Озарбайжон, Қозогистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркия ва Туркменистон маданият вазирлари томонидан ташкиллаштирилган “Туркий тилда сўзлашадиган давлатлар вазирларининг III йигилиши”да имзоланган шартнома билан ташкил этилган. Таъсис этилгандан сўнг, яна бир қанча туркий автоном ўлкалар ушбу ташкилотга автоном аъзо сифатида қўшилишди. **Турк маданияти ва санъати қўшма идораси (TÜRKSÖY)** ташкилоти ҳозиргача турк маданиятининг муштарак қадриятлари ва тарихий шахсларини тарғиб қиладиган 32 га яқин китоблар ва нуфузли нашрлар, интеллектуал ва бадиий асарларни тақдим этган бўлиб бу асарлардан Ўзбекистон тарихи, жумладан советлар даври тарихига оид қимматли маълумотларни олишимиз мумкин.

Туркия Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги, халқ маданиятларини тадқиқ қилиш ва ривожлантириш бошқармаси ҳузуридаги “**Турк дунёси тадқиқотлар бўлими**” Туркиядан ташқарида яшайдиган туркий халқлар тарихи ва маданиятига оид тадқиқотлар ва тегишли нашрларни амалга ошириш, соҳага оид лойиҳаларни кўллаб қувватлаш фаолияти билан шугулланадиган яна бир расмий ташкилот ҳисобланади. Турк Дунёси Тадқиқотлари Бўлими “**Ота юртдан она юртгача турк дунёси**” номли илмий журнални нашр этиб келмоқда.

Отатурк номидаги маданият маркази. “Турк дунёси” га бағишланган симпозиум ишлари, 1994 йилдан бери Неврузга бағишланган олтига асар, унда “Турк дунёси” ҳам мавзу бўлган. Ҳозирда “Билге” журналинини нашр этади. Булардан ташқари муассаса Турк дунёси адабиёти лойиҳасини тақдим этди.

1991-йилда минтақа давлатлари мустақилликка эришган йилларидан бошланади. Айниқса, олий ўқув юртлари битирувчилари ва магистрлар ўз тадқиқотларда Ўрта Осиё

халқлари ва давлатлари тарихига оид масалаларга ургу беришни бошлади ва бу академик тадқиқотларнинг сезиларли ўсишига олиб келди. 1990-йиллард мазкур йўналишда 180 докторлик диссертацияси ва 600 дан ортиқ магистрлик диссертацияси тайёрланди. Бу даврда, энг катта ўсиш мақолалар сони тўғри келиб 1990-1999 йилларда 4000га яқин чоп этилди. Илгари давр мобайнида мавзуга оид нашрлар асосан Turancı(Турончи), Türkçü(Туркчи) миллий ташкилот ва ҳаракатлар томонидан амалга оширилган бўлса, 1992 йилдан минтақа билан боғлиқ тадқиқотлар сони ва уларга бўлган илмий қизиқиш ҳамда ижтимоий талаб ортган. Шуниси аҳамиятлики, мустақилликдан кейинги тадқиқотларда нафақат мустақилликдан кейинги давр, балки ундан олдинги, жумладан советлар мустамлакачилиги даврида Ўрта Осиё халқлари тарихи ўрганилган.

Ўзбекистоннинг тарихи Туркиядаги қўплаб тарихий тадқиқот ишларида ўрганилган. Жумладан, Кара Фусун, Зокир Чотаев, Гунеш Ҳокан, Игре Фелиз, Меҳмет Халил, Онай Яшарларнинг докторлик диссертациялари[7], Атмажа Шадуман, Ченгиз Сердар, Челеби Эржан, Текинже Мевлут, Улашов Тура, Яман Филиз, номзодлик диссертациялари[8], Айхан Бекир, Эрдал Чавдар, Сидика Гўк, Дурсун Гўндоғду Тахирларнинг магистрлик ишларида [9] ўрганилаётган даврдаги Ватанимиз тарихига оид ижтимоий сиёсий ва маданий жараёнлар Ўрта Осиёнинг бошқа Республикалари билан боғлиқликда ўрганилган.

Бугунги замонавий тарихшуносликда туркиялик таниқли тарихчи олим Меҳмет Сарайнинг “Ўзбек турклари тарихи”[10] китобида ҳам XX асрнинг иккинчи ярмидаги Ўзбекистон тарихи ҳам ёритилган бўлиб, илмий-оммабоп асар тарзида ёзилгани учун тарихий жараёнлар, воқеалар ҳақида умумий тасаввур беради. Тарихий жараёнларни баён этишда, талқин этишда маҳаллий шарт-шароитлар ҳисобга олинмаган.

4. Хулосалар:

Мавзуга қўйдагича хулоса қилиш мумкинки, Туркияда Ўзбекистон тарихини ўрганишга бўлган илмий қизиқиш юқори бўлишига қарамай иккинчи жаҳон урушидан кейинги дунёдаги сиёсий мафкуравий жараёнлар ва бунда Туркия ва Совет Иттифоқининг тутган позицияси илмий тадқиқотларга тўсқинлик қилган.

Мустақилликдан кейин Туркияда Ўрта Осиё ва Ўзбекистон тарихига бағишланган илмий тадқиқотлар ва мазкур тадқиқотларни қўллаб қувватловчи давлат ва нодавлат ташкилотлар, илмий муассасалар, фондлар, сиёсий институтлар сони илмий тадқиқот натижаларининг сони ошган.

Ўрганилган масала бўйича турк тилидаги илмий тадқиқотларда баён этилган илмий қарашларда мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жараёнлар давлат томонидан амалга оширилган оқилона сиёсат ва халқнинг миллий манфаатлар учун бирлашуви самараси эканлигига урғу берилган. Бундан ташқари мураккаб сиёсий босим остида яшаган халқлар ўз миллий маънавиятини, дини, она-тили, миллий ўзлиги, тарихий хотира ва кадриятларини асраш йўлидаги йўқотишлари, охир оқибат курашлар самараси ўлароқ истиқлол неъматига эришиш тарихи хорижий тарихшуносликда, хусусан турк тарихчилари асарларида қандай акс этганини аниқлаш ҳам тарихий ҳақиқатларни тиклаш, ҳам ватанимиз тарихшунослигидаги жумбоқли саволларга жавоб топиш нуқтаи назаридан ғоят аҳамиятлидир.

Иқтибослар/ Сноски/References:

-
- [1] Shodmanova Sanobar. Issues of struggle against Soviet colonialism in German and Turkish historiography (1917-1924). \ Tashkent, 2018. P. 16.
 - [2] Ef Pine, "Turkey's New Regional Policy in the Caucasus and Central Asia: Problems of the Foreign Policy Orientation", Eurasia File 2006, Volume 12 Issue 1, Ankara, STEP Publishing, p.188.
 - [3] Fırat Purtaş, "The Problem of Unity of Central Asia and Regional Integration Initiatives in Central Asia", Power Policy in Central Asia and the Caucasus, Compiled by M.Turgut Demirtepe, Ankara. In USAK, 2008 p. 35.

- [4] Hayati Tüfekçioğlu, “Turkish World in Front of Globalization”, Edt., Abulfez Süleymanov, 1st Turkish World Sociologists Congress, 25-27 November 2005, Kocaeli Metropolitan Municipality publication, Kocaeli 2005, p.140.
- [5] Karasar, H.A. Kuşumbayev, S. : Turkestan Integration, Search for Unity in Central Asia 1991-2001, Ötüken Publications, Istanbul 2009, p 151.
- [6] Ain to the Yerbolayev, Author Related Research Institutions in Central Asia with Turkey, MSc thesis, University of Istanbul? Institute of Social Sciences, Department of Sociology Istanbul 2009 190 p.
- [7] Kara, Füsün, Uzbekistan history (1917-1991), PhD thesis, Fırat University, Institute of Social Sciences, Elaziğ, 1990, 190 p; Chotayev, Zakir, Violence in the Former Soviet Lands and the policies of using force against violence in terms of international law (Central Asia and the Caucasus example). Doctorate thesis, University of Ankara, Institute of Social Sciences, Ankara, 2006, 304 p; Güneş, Hakan, Patterns of chemical consolidation and mobilization in Post-Soviet Kazakhstan, Kyrgyzstan and Uzbekistan, Doctoral dissertation, Marmara University, Institute of Social Sciences, Istanbul, 2005, 280 p; Onay, Yaşar, Central Asian politics of Russia in history and today, PhD thesis, Istanbul University, Institute of Social Sciences, Istanbul, 1995,; Irge, Filiz, Reasons of the radical reform movements that started under the leadership of Gorbachev in the USSR, Reform goals-implementation and effects-results in the Eastern Bloc, Soviet Republics and in the international arena, PhD dissertation, Istanbul University, Institute of Social Sciences, Istanbul, 1995; Lilac, Mehmet Halil, demographic structure of Turks in Central Asia and the Caucasus (20th century), Doctorate thesis, University of Ankara, 1998.
- [8] Atmaca Şaduman, Taxation of agriculture in the Socialist system (Soviet experience) Master's thesis, Uludağ University, Institute of Social Sciences, Bursa, 1991,104; Çingiz Serdar, Turkish-Soviet relations between 1945-1980, Master's thesis, Gazi University, Institute of Social Sciences, Ankara, 1990, 134 p; Çelebi, Ercan, Turkistan national struggle according to Yaş Türkistan magazine, Master's thesis, Gazi University, Institute of Social Sciences, Ankara, 2000, 267 p; Tekince Mevlüt, Central Asian politics of the Russian Federation and the reflections of the Tsarist and USSR period practices on these policies, Master's thesis, Gazi University, Institute of Social Sciences, Ankara, 1997, 93s;
- [9] Fuat Uçar, Foreign Turks (Historical and Cultural Structure of Central Asian Turkishness, the 5 Shining Stars of the Turkic World), Fark Publications, February 2007, p. 28.
- [10] Fahri Solak Turkistan and Caucasus Bibliography, Union of Turkish World Municipalities Publications, Okutan Publishing, Istanbul, 2007, p.720-755.